

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2025.17.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МАКСУДОВ ХУШНУР ХУРШЕДОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ
РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Table of contents of the authoror abstract of the dissertation of Doctor
of Philosophy (PhD)**

Максудов Хушнур Хурshedович

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала
қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан
прокурор назоратини такомиллаштириш..... 3

Максудов Хушнур Хурshedович

Совершенствование прокурорского надзора за исполнением
законодательства в сфере борьбы с незаконным оборотом
наркотических средств..... 25

Maksudov Khushur Khurshedovich

Improving prosecutorial oversight of compliance with legislation in the fight
against drug trafficking..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/2025.17.12.Yu.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ**

МАКСУДОВ ХУШНУР ХУРШЕДОВИЧ

**ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ҚОНУНГА ХИЛОФ
РАВИШДА МУОМАЛА ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати.
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертация
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Yu754 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Матчанов Алимжан Атабаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович
юридик фанлар доктори, профессор

Ачилов Иззат Тўлқинович
юридик фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2025.17.12.Yu.01.01 рақамли Илмий кенгашининг 2026 йил 12 август куни соат 14:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (90-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100190, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 30 июль куни тарқатилди.
(2026 йил 30 июлдаги 08 -рақамли реестр баённомаси).

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Х.А.Кучкаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.ф.д (PhD), доцент

А.С.Одинаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда БМТнинг Гиёҳванд воситалар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2025 йилги Жаҳон гиёҳванд воситалар бўйича ҳисоботида кўра (UNODC World Drug Report 2025), 316 миллион киши ёки 15 ёшдан 64 ёшгача бўлган дунё аҳолисининг тахминан 6 фоизи гиёҳванд воситалар истеъмол қилади¹. Ушбу статистика мавжуд ҳимоя механизмларининг етарли эмаслигидан dalolat беради ва прокурор назорати стратегияларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи сифатида прокуратура гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашишда инновацион рақамли технологиялар орқали идоралараро ҳамкорликни самарали мувофиқлаштиради. Гиёҳвандлик воситаларни қонунга хилоф равишда муомаласига қарши курашиш устидан прокурор назоратининг долзарблиги Darknet, мессенжерлар ва криптовалюталар воситасида рақамли муҳитга ўтиши билан белгиланади. Бу прокурор назоратига янги ёндашувларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Дунё мамлакатларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузуридаги илмий ва ўқув муассасалари тадқиқотларда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокуратура органларининг ўрни ва роли бўйича фаол иштирок этмоқда. Жумладан, АҚШдаги гиёҳвандликка қарши кураш Миллий институти (NIDA)², Туркия халқаро гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш Академияси (TADOC)³ ва бошқалар ушбу соҳада илмий тадқиқотлар олиб бормоқда. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини такомиллаштириш учун ахборот ва рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фаол фойдаланиш орқали назорат соҳасидаги прокуратура фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ҳам гиёҳванд воситалар савдосига қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқда. 2026 йил 27 январда бўлиб ўтган видеоселекторда синтетик гиёҳванд воситаларнинг 95 фоизи онлайн тарқатилишини, тўловлар криптовалютада амалга оширилишини ва мамлакат ичида гиёҳванд воситалар лабораториялари фаолият олиб борилаётганлиги таъкидланди⁴. Бунга самарали қарши курашиш учун гиёҳванд воситалар савдосига қарши курашга оид қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш. Ушбу турдаги жиноятлар бўйича қўзғатилган жиноий ишлар сони 2024 йилда 2023 йилга нисбатан 12,7 фоизга, жамият учун энг

¹ <https://www.ungeneva.org/ru/news-media/news/2025/06/107836/doklad-oon-globalnaya-nestabilnost-usugublyaet-posledstviya>

² <https://nida.nih.gov/>

³ <https://www.tadviser.ru/index.php>

⁴ <https://president.uz/ru/lists/view/8882>

хавфли тури – гиёҳванд воситаларларни сотаётган ҳолатлар эса 29,2 фоизга ошган бўлса, 2025 йилда уч барабардан кўпроққа ошди¹. Бу гиёҳванд воситалар савдосига қарши кураш қонунчилигининг ижроси устидан прокурор назорати механизмини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотларнинг долзарблигини кўрсатади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (1994) “Прокуратура тўғрисида”ги (2001 янги таҳрирдаги), “Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида”ги (1999) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2025), “Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва миллат генофондига салбий таъсирини бартараф этиш бўйича стратегик чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2024), “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислохотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2026), “Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025), фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2026) қарори ва бошқа қонун ҳужжатларни амалга оширишга хизмат қилади.

Диссертация тадқиқотининг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратига оид айрим илмий-назарий ва амалий жиҳатлар қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, прокурор назоратини такомиллаштириш И.Б.Джураев, А.З.Джураева, Ш.И.Зокиров, Д.Ш.Иброҳимов, Б.М.Исмоилов, А.Б.Комилов, А.А.Махмудов, С.М.Турсунбоев, Б.К.Худайбердиев томонидан, прокуратура фаолиятининг давлат-ҳуқуқий хусусиятлари ва прокуратуранинг ўрни З.С.Иброҳимов, М.Махбубов, Ш.М.Саидов томонидан, жиноят-процессуал жиҳатлар Б.Х.Пўлатов, А.Ф.Алимов, М.К.Ўтениязов, А.Р.Давронов, Д.С.Довудова, М.З.Раджапова, А.А.Матчанов томонидан, гиёҳвандликка қарши курашнинг

¹ 2025 йил якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш ҳолати юзасидан шарҳи <https://www.prokuratura.uz/>

жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари эса М.М.Қодиров, Б.А. Умарова, И.Сафаров томонидан, жиноятчиликка қарши курашнинг криминалистик хусусиятлари И.Р.Астанов, Л.Ю.Югай томонидан, тезкор-қидирув фаолияти томонидан Д.Ш.Исроилов, Ф.Б.Бобомуродов, маъмурий-ҳуқуқий жиҳатлар Ш.И.Шайзаков, прокуратуранинг халқаро ҳамкорлик масалалари эса Д.Д.Валижонов, Д.К.Мусаев¹ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Яқин ва узоқ хориж мамлакатлари (Россия Федерацияси, Тожикистон, Буюк Британия, АҚШ, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Италия) олимлари томонидан прокурорнинг назорат функциясини амалга ошириш соҳасида мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар қаторига М.И. Шаров (Россия Федерацияси), А.Н. Абишев (Қозоғистон), И.В. Голяков (Беларусь), Harfield Clive (Буюк Британия), Kotz Jürgen ва Brandenburger Jan (Германия), Sklansky David Alan (АҚШ), Matsopoulou Haritini (Франция), 张军 [Zhang Jun] (Хитой Халқ Республикаси), Raghavan R. K. (Ҳиндистон), Gratteri Nicola ва Nicaso Antonio (Италия) ҳамда бошқа олимларнинг гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш чораларини қўллаш билан боғлиқ муаммоли ҳолатларни аниқлаш ва уларни самарали ҳал этишга қаратилган илмий ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда эса мазкур муаммо – гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш масалалари махсус илмий тадқиқот сифатида алоҳида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Кенгаши томонидан тасдиқланган “Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишига асосланган.

Тадқиқотнинг мақсади гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва уларнинг аналогларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш технологиясини мақбуллаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган амалий таклиф ҳамда тавсияларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагича белгиланади:

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний тарқатилиши ҳамда муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик нормалари ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий технологиясини ўрганиш;

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати предмети, чегаралари ва норматив-ҳуқуқий асосларини аниқлаш;

гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш

¹ Мавзуга оид олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари диссертациянинг адабиётлар рўйхатида келтирилган

амалиётининг функционал механизми ва назорат тартиб-таомилларини тадқиқ этиш;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик нормалари ижроси устидан прокурор назоратини мақсадли ривожлантириш масалаларини тадқиқ этиш;

прокуратуранинг назорат функциясини амалга оширишда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашишга оид норматив-ҳуқуқий тартибга солиш талабларига қатъий риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича халқаро тажрибани таҳлилий жиҳатдан ўрганиш;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида прокурор назоратининг назорат функциясини мақбуллаштиришга қаратилган тактик ёндашувларни такомиллаштиришнинг концептуал қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда аниқ амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш муносабати билан юзага келадиган ижтимоий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва илғор ҳуқуқни қўллаш тажрибаси, шунингдек ушбу соҳага оид юридик фаннинг назарий қоидалари, илмий қарашлари ва концептуал ёндашувларидан иборат.

Тадқиқот методлари билишнинг диалектик методининг фундаментал қоидаларига асосланиб, қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати ҳамда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш механизмларини уларнинг тарихий ривожланиши жараёнида тадқиқ этиш имконини берди. Формал-ҳуқуқий метод норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётига оид эмпирик материаллар, статистик маълумотлар, социологик сўров натижалари ва бошқа манбаларни ўрганишда қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда ифода топди:

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек уларни телекоммуникация тармоқлари ҳамда бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида жиноят қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда ахборот-коммуникация ва рақамли технологиялар, сунъий интеллект, Big Data ҳамда машинали ўқитиш имкониятларидан фойдаланишга доир илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш қилиш ёки улардан фойдаланишга жалб қилиш учун жиноий жавобгарликка оид гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ интернет маконини башоратли таҳлил, мониторинг қилиш орқали жиноят содир этишда қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш бўйича таклифлар илмий асослантирилган;

гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этишга қарши курашиш билан боғлиқ маъмурий жавобгарлик соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш зарурати ёки ижтимоий тармоқлар, форумлар ва даркнетнинг гиёҳванд воситаларни тарқатиш билан боғлиқ тартибини аниқлаш автоматик мониторингидан фойдаланган ҳолда бундай воситаларидан фойдаланишга жалб қилиш тартиби асослантирилган;

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ташкил этишда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратида блокчейн транзакцияларни таҳлил қилиш, рақамли криминалистикани қўллаш орқали ахборот-рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш зарурати илмий асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати предмети ва объекти тушунчаси ва категориясининг мазмуни очиб берилган;

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий ва амалий асослари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилган, ташкил этиш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар асослаб берилган;

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати бўйича айрим мамлакатларнинг (Хитой Халқ Республикаси, Америка Қўшма Штатлари, Россия Федерацияси, Корея Республикаси, Қозоғистон, Франция) илғор хорижий тажрибаси, миллий прокуратураси фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган;

амалиётчилар учун “Гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратининг хусусиятлари” номли услубий тавсиялар ишлаб чиқилган ва ушбу назорат турини амалда қўллаш учун фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган метод, илмий-назарий ёндашув, статистика ва суд-тергов амалиётидан мисоллар расмий манбалардан олингани, белгиланган

талабларга кўра ҳавола қилингани, 500 дан ортиқ ўрганилган маъмурий ва жиноят ишлар, миллий қонунчилик ва хорижий тажриба қиёсий ўрганилгани, амалиёт таҳлили, социологик сўров (224 нафар прокурор ходимлари, 54 нафар судьялар, 44 нафар адвокатлар) асосида назарий хулоса ва таклифлар тайёрлангани, диссертация дастлабки натижалари амалиётга жорий қилингани ва ваколатли давлат идоралари томонидан тасдиқлангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, натижалари етакчи миллий, чет эл нашрларида эълон қилингани тадқиқот хулосаларининг ишончилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва тавсиялардан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштириш, ушбу соҳадаги назарий билимларни бойитиш ва янги илмий тадқиқотлар ўтказиш учун фойдаланиш мумкин.

Илк бор “гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижроси устидан прокурор ихтисослашган назорати” категорияси асосланди. Унинг ўзига хос хусусияти кибермаконда тезкор-қидирув фаолияти, терговга қадар текширув, дастлабки тергов ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги фармацевтика хавфсизлигини назорат қилишнинг синтезидир. Бундай назорат доираси нафақат объектларнинг идоровий мансублиги, балки янги психофаол моддаларнинг пайдо бўлиш динамикаси билан ҳам белгиланиши кўрсатилди, бу эса узлуксиз рақамли мониторинг усулига ўтишни талаб қилади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, веб-сайтлар, телеграм-каналлари ва даркнет платформаларини аниқлаш ва блокировка қилиш бўйича прокурор назорати бўйича амалга оширилган таклифлар, амалий тавсиялар ва диссертация тадқиқотлари ноқонуний рақамли гиёҳванд воситалар савдоси учун таъминот занжирларининг узилишига ҳисса қўшган. Тадқиқот натижалари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси таълим олаётганлари, Ички ишлар вазирлиги академияси курсантлари, Тошкент давлат юридик университети ва олий юридик таълим муассасалари талабалари учун илмий ва амалий қўлланмаларни ишлаб чиқишда, шунингдек, “Прокурор назорати” ва “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари” модуллари бўйича маърузалар, семинарлар ва амалий машғулотларни самарали ўтказилиши учун қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Илмий тадқиқот натижалар асосида:

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш, шунингдек уларни телекоммуникация тармоқлари ва бутунжаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали қонунга ҳилоф равишда ўтказишга қарши курашиш соҳасида жиноят қонунчилиги ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда

ахборот-коммуникация технологиялари, сунъий интеллект, Big Data ҳамда рақамли таҳлил имкониятларидан фойдаланишга доир ишлаб чиқилган илмий таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 971-сон Қонунини тайёрлаш жараёнида инобатга олиниб, мазкур Қонуннинг 1-моддаси 3-банди асосида Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми “д” бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 22 январдаги 3/dп-8-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашда инновацион ахборот-рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда жиноят қонунчилигининг бажарилишини прокурор назоратини такомиллаштиришга хизмат қилган;

гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш қилиш ёки улардан фойдаланишга жалб қилиш учун жиноий жавобгарликка оид гиёҳванд воситаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ интернет маконини башоратли таҳлил, мониторинг қилиш орқали жиноят содир этишда қонунларнинг бажарилишини прокурор назоратини ташкил этиш бўйича таклифларидан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 971-сонли Қонуннинг 1-моддасининг 4-банди, яъни Жиноят кодексининг 274-моддасининг янги таҳририни тайёрлашда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 22 январдаги 3/dп-8-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларга қарши курашиш тўғрисидаги жиноят қонунчилигини оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернетнинг бутун дунё ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш мақсадида амалга оширилишини прокурор назоратининг ҳуқуқий механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган;

гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этишга қарши курашиш билан боғлиқ маъмурий жавобгарлик соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш зарурати ёки ижтимоий тармоқлар, форумлар ва даркнетнинг гиёҳванд воситаларни тарқатиш билан боғлиқ тартибини аниқлаш автоматик мониторингидан фойдаланган ҳолда бундай воситаларидан фойдаланишга жалб қилиш тартиби билан боғлиқ таклифларидан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги

кодексига гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ёки психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 971-сонли Қонуннинг 3-моддасининг 1-банди, яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг янги 56⁴-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Парламент тадқиқотлари институтининг 2025 йил 22 январдаги 3/dп-8-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларнинг қонунга хилоф муомала қилишга қарши курашиш учун уларни тарқатиш, реклама қилиш, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки бутун дунё бўйлаб Интернет тармоғида намоёни қилиш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан прокурор назоратининг ҳукукий механизмини такомиллаштиришда сунъий интеллект ёрдамида амалга оширишга имкон берган;

гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ташкил этишда қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратида блокчейн транзакцияларни таҳлил қилиш, рақамли криминалистикани қўллаш орқали ахборот-рақамли технологиялар ва сунъий интеллектдан фойдаланиш зарурати ҳақидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 26 сентябрдаги Кўрсатмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги тергов Департаментининг 2025 йил 30 январдаги 18/680-сонли далолатномаси*). Мазкур таклиф гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний муомала қилишдан иборат жиноятларни тергов қилишда рақамли далиллар ва рақамли излардан фойдаланиш устидан прокурор назорати (мессенджерлар, ҳуқуқбузарликлар иштирокчиларни жойлашув маълумотлари, яширин файллар ва бошқ.) терговга қадар текширув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг бажарилиши бўйича прокуратура текширувларини ўтказиш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилган.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та (1 та халқаро, 2 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 13 та илмий мақола (10 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 та хорижий нашрларда, 3 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг тузилиши кириш, 6 та параграфдан иборат бўлган 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг мамлакатдаги фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, ўрганилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари билан боғлиқлиги ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотда қўлланилган усуллар, илмий янгилик ва амалий натижалар баён этилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, натижаларнинг жорий этилиши, апробацияси ва нашр қилиниши ҳамда диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий, ҳуқуқий ва ташкилий асослари”** номли биринчи бобида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг назарий-ҳуқуқий таҳлили ўтказилган. Прокурор назоратининг мазкур тури самарадорлигининг мазмунига оид масалалар ўрганилган ва прокуратура органларининг ушбу назорат фаолиятини амалга ошириш асосида таҳлил қилинган. Бу ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи фаолиятнинг мазмуни ва гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига қарши курашиш соҳасидаги назоратнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди.

Тадқиқот натижасида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг амалга оширилиш механизми аниқланган. Ушбу механизм қуйидагиларни ўз ичига олади: ахборот-таҳлил ва режалаштириш; тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш; прокурор назорати бўйича чиқарилган протест, қарор, тақдимнома, ариза, огоҳлантирувларни асосланганлигини баҳолаш орқали гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўйича қонунларнинг ижросини таъминлаш учун ўз вақтида таъсир чораларини кўриш.

Шундан келиб чиқиб, диссертант томонидан олиб борилган назарий-ҳуқуқий таҳлил асосида “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 5-моддаси, 8-қисми, 1-бандига қуйидагича ўзгартиш киритилди: “Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар

прокурорлари ҳар йили тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғи Кенесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этади”.

Ишда янги ташкил этилган Президент Администрацияси ҳузуридаги Наркотик воситаларни назорат қилиш миллий марказининг асосий фаолият йўналишларини амалга оширишда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш тўғрисидаги қонунларни ижро этиш фаолиятини мувофиқлаштириш функциясини такомиллаштириш зарурлиги асослаб берилган. Хусусан, давлат органлари ва гиёҳванд воситалари билан боғлиқ фаолият юритувчи ташкилотлар томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини эксперт баҳолаш, ягона ахборот алмашинуви ва идоралараро ҳамкорликни ташкил этиш, шу соҳада хорижий давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан манзилли ҳамкорлик ўрнатиш, БМТга ҳар йили Ўзбекистон Республикаси томонидан ушбу соҳадаги халқаро конвенциялар доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлаш каби масалаларга эътибор қаратилган. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш борасида илғор миллий ва хорижий тажрибани доимий ўрганиш, ишлаб чиқилган методикалар, таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш ва оммалаштириш масалалари ҳам таъкидланган.

Прокуратура органлари ягона марказлашган назорат органи бўлиб гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунлар ижросини сўзсиз таъминлайди. Бунинг учун прокуратура органлари назоратни амалга ошириш борасида, жумладан ахборот-рақамли технологиялари ва сунъий интеллект соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқига эга бўлиб, буни дастурий таъминот ёрдамида амалга ошириши мумкин.

Диссертантнинг фикрича, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг предмети ва унинг доирасини белгилаб олиш ташкилотчилик – услубий томоннинг асосий қисми ҳисобланади. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг алоҳида предмети мавжудлигини асослаб бериш диссертантга ушбу тадқиқот объекти мавжудлигини таъкидлаш ва мазкур йўналишда прокуратура органлари фаолияти мазмуни ҳақида илмий билимга эга бўлиш имконини берди.

Олиб борилган тадқиқот натижасида диссертант томонидан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг предмети тушунчаси ишлаб чиқилди ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 27 ва 28-моддаларига ўзгартиш киритиш таклиф этилмоқда. Унга кўра, назорат предмети сифатида жиноят содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги ариза ва хабарларни, шунингдек, текшириш ва дастлабки тергов жараёнида тезкор-қидирув фаолиятини, қабул қилиш, кўриб чиқиш, ҳал этиш тартиби, шу жумладан рақамли шаклда, шу билан бирга, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги киритилиши лозим.

Гиёҳвандлик воситаларни Интернет ижтимоий тармоқлари орқали тарқатишга қарши курашиш механизмини такомиллаштириш мақсадида, диссертант томонидан Жиноят кодексига ўзгартириш киритиш таклиф этилди. Унга кўра, Жиноят кодексининг 273-моддаси 3-қисми янги “д” банди билан яъни, “*телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса*” тўлдириш таклиф этилди. Бу гиёҳванд воситаларни Интернет ижтимоий тармоқлари орқали тарқатишга қарши жиноят-ҳуқуқий курашни таъминлайди.

Диссертациянинг “**Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишнинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти**” деб номланган иккинчи бобида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати амалиётини ташкил этишнинг ташкилотчилик – услубий механизми ва тартиби масалалари ўрганилган. Шу билан бирга, муаллиф мамлакатда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши бўйича ўтказилган прокурор текширувлари натижаларини тақдим этади.

Диссертация доирасида гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг урта устувор таркибий қисмлар ишлаб чиқилди.

Инновацион моделнинг устувор механизмнинг *биринчи таркибий қисми* прокуратура ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида маълумот алмашиш ва мувофиқлаштиришда ифодаланади. Бу терговга қадар текширувлар, тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши билан боғлиқ прокурор назорати механизмига тааллуқлидир. Ушбу механизм прокуратуранинг бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар билан гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг *иккинчи устувор таркибий қисми* бошқарув қарорларини таҳлил қилиш, прогнозлаш, режалаштириш, қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш, назорат қилиш, ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва прокуратура таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ташкилий жиҳати ҳисобланади.

Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг *учинчи устувор таркибий қисми* ёрдамчи хусусиятга эга бўлиб, иш юритиш, ҳисобга олиш ва ҳисобот, қонунчиликни тизимлаштириш, моддий-техник ва молиявий таъминотни ташкил этиш ва амалга оширишда рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланишда ифодаланади.

Ўтказилган тадқиқотлар ва прокуратура назорати амалиётининг ахборот, услубий ва бошқа ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида “Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратининг хусусиятлари” услубий тавсиялари ишлаб чиқилди ва амалиётда муваффақиятли қўлланилмоқда. Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати тури сифатида прокурор текширувини ўтказишда ягона ёндашувни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Диссертант гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратида ахборот ва рақамли технологиялар (АРТ) ва сунъий интеллект технологиясидан (СИТ) самарали фойдаланиш механизмини таклиф қилади. Бу “*Прокурорнинг рақамли кабинети*” ахборот-рақамли ресурси орқали амалга оширилади, унда мазкур турдаги прокурор назоратида фойдаланиладиган турли маълумотлар сақланади ва СИТ орқали текширув материаллари, аниқланган қонунбузарликлар ва прокурор таъсир чоралари асосида блокларга ажратиб тақсимланади. Бундан ташқари, мазкур илмий ишнинг ушбу бобида изланувчи томонидан прокурор фаолиятига Интернетдаги “Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишда рақамли ахборот реестри” (ГВҚХРАР) каби ахборот ресурсини жорий этиш таклиф этилган. Ушбу тизим орқали айти бир Интернет-ресурсга нисбатан бошқа прокурорлар томонидан чоралар кўрилган ёки йўқлигини кўриш ҳамда бир хил сайтни турли прокуратура органлари томонидан бир вақтда тўсишга уриниш каби ишлар такрорланишининг олдини олиш мумкин бўлади.

Илмий ишда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш киритиш зарурлиги асослаб берилган. Унга кўра,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органи сифатида белгиланиши керак.

Илмий тадқиқотлар натижасида Жиноят кодексининг 274-моддасига ўзгартишлар киритилиб гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик белгилаш масаласи муҳокама этилган. Жумладан, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин жиноят содир этилганда жиноий жавобгарликни назарда тутади.

Диссертацияда прокуратура органлари томонидан гиёҳванд воситалар савдосига қарши ҳаракатларни мувофиқлаштиришга оид Ўзбекистон Республикаси “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонунининг 33-модданинг 1-қисмига ўзгартириш киритиш ва уни “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг “*Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар,*

уларнинг аналоглари, прекурсорларининг ноқонуний муомала ва уларни суиистеъмол қилишга қарши курашиш чоралари” номли янги 33¹-моддаси билан тўлдириш бўйича таклифлар асослантирилди. Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан гиёҳванд воситалар ноқонуний муомаласига қарши курашишни, шу жумладан ахборот технологиялари ва сунъий интеллектдан фойдаланиш орқали мувофиқлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган бўлиб, унда хорижий тажриба, шунингдек, ушбу соҳада прокурор назорати технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар келтирилган.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратида дунё мамлакатлари прокуратураларининг мақомини таҳлил қилиш уларни шартли равишда *уч гуруҳга* ажратиш мумкин. *Биринчи гуруҳ* прокуратура алоҳида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат таркибий бўлинмасига ажратилган ва қонун чиқарувчи орган олдида ҳисобот берувчи мамлакатлардир. *Иккинчи гуруҳ* – прокуратура мамлакат Адлия вазирлигининг бир қисми бўлган давлатлар. *Учинчи гуруҳга* прокуратура суд тизимининг бир қисми бўлган давлатлар киради. Ушбу бўлинишга қараб, прокуратура назорати прокуратура текширувлари ва терговларини ўтказиш, ноқонуний қарорлар ва ҳаракатларга протест билдириш, қонун бузилишларини бартараф этиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш механизмидаги прокуратура ваколатлари доирасига хос хусусиятларга эга.

Хорижий мамлакатларда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати турларининг таҳлили шуни кўрсатдики, уни шартли равишда икки моделларга ажратиш мумкин: *ғарбий* (Европа, Америка) ва *шарқий* (Осиё). Биринчи модел вакили Америка Қўшма Штатлар бўлиб, у ерда Гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси (Drug Enforcement Administration, DEA). Амалдаги “гиёҳванд воситаларга қарши уруш” модели гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш учун қаттиқ чораларни назарда тутди ва АҚШ Адлия вазирлигининг бир қисми бўлган DEA мамлакат ичида ҳам, ташқарисида ҳам гиёҳванд воситалар билан боғлиқ жиноятларни текширади. АҚШ Бош прокурори DEA фаолиятини назорат қилади. АҚШ, Германия Федератив Республикаси (ГФР), Франция ва бошқа Европа мамлакатларида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати тажрибаси шуни кўрсатадики ахборот-рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларга асосланади ва бу тизим Ўзбекистондаги прокурор назоратини амалга ошириш механизмига жорий этилиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг бошқа *шарқий, осие модели* Хитой Халқ Республикаси ва Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлар томонидан намоиш этиладиган шарқий (Осиё) шакли. Шунан олиш керакки, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига

қарши курашиш соҳасидаги қонунларнинг бажарилишини прокурор назоратини амалга ошириш бўйича Хитой тажрибаси ушбу турдаги жиноятларнинг алоҳида аҳамияти билан ўзига хос хусусиятга эга (ўлим жазоси назарда тутилган).

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш бўйича хорижий тажрибани ўрганиш шуни кўрсатадики, уни оддий мамлакатнинг миллий ҳуқуқий тизимига жорий этиш ўзининг хусусиятларига эга. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасидаги қонунларнинг бажарилишини назорат қилишнинг миллий ҳуқуқий тизими билан боғлиқ давлат, суд ва жамоат назоратининг бошқа турлари орасида ушбу прокурор назоратининг ўрнини ҳисобга олиш керак.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари ахборот-рақамли технологиялар (АРТ) ва сунъий интеллект технологияларини (СИТ) ривожлантириш билан боғлиқ. Мазкур йўналишда прокурор назоратини рақамлаштириш – назорат фаолияти жараёнларини ахборот жиҳатдан ёритишда очиқлик ва шаффофликка асосланган ҳолда оптималлаштиришга қаратилган юқори технологияли жараёндир.

Ўтказилган илмий тадқиқот доирасида муаллиф томонидан *“Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда ахборот-рақамли ва сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш концепцияси”* ишлаб чиқилди. Унда ушбу соҳадаги прокурор назоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари белгиланган.

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда АРТ ва СИТдан фойдаланиш механизмини оптималлаштириш учун маълумотларни рақамли тўпловчи қурилмалар (РТҚ)да жамлаш лозим. Бу қурилмаларда мазкур соҳадаги прокурор назоратининг ҳолатига оид зарур маълумотлар сақланади. РТҚ ҳисобот маълумотларида қуйидаги асосий маълумотларни акс эттириш таклиф этилади: 1) қонунлар ижросини таъминлашга оид норматив-ҳуқуқий меъёрлар; 2) прокурор текширувлари ўтказишнинг асослари ва даврийлиги; 3) қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг хусусияти.

РТҚ маълумотлари қуйидаги мантиқий блокларда сақланиши, янгиланиши ва бошқарилиши мумкин: 1) маълумотлар блоки – рақамли тўпловчи қурилманинг дастлабки маълумотлари сақланади; 2) хизмат блоки – назорат объекти, субъекти ва предметиға оид маълумотлар кўрсатилади; 3) хатоларни тузатиш блоки – хатоларни аниқлаш ва тузатиш амалга оширилади; 4) вариантлар блоки – АРТ ва СИТ орқали таклиф этилган тавсиялар кўрсатилади; 5) кластерлар блоки – рақамли тўпловчи қурилманинг мантиқий бирликлари файл тизими сифатида маълумотларни сақлашда фойдаланилади. Кластерлар бир ёки бир нечта мантиқий блоклардан ташкил топади. Барча блоклар маълумотлар блоки сифатидаги якуний маълумотларни, текширув самарадорлиги, тактик ва методик

ёндашувлар, аниқланган муаммолар ва берилган тавсиялар (тактик-методик, ташкилий ва бошқарувга оид) ҳақидаги маълумотларни сақлайди.

Мазкур дастурий қурилманинг айрим блокларида қуйидагилар бўлиши мумкин: 1) назорат фаолиятининг ҳар бир босқичида қўлланилиши лозим бўлган тактикани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 2) Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижросини текширишда фойдаланиладиган методик тавсиялар.

АРТ ва СИТ ёрдамида амалга ошириладиган прокурор назорати механизми қуйидаги функционал элементларни ўз ичига олади: 1) назорат функцияси; 2) тактик функция; 3) дастурлаш функцияси; 4) гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишда АРТ ва СИТ имкониятларини жорий этиш функцияси.

Хусусан, АРТ ва СИТ қўлланилган ҳолдаги гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга оширишини такомиллаштиришда *Big Data* компьютер дастури орқали амалга оширилиши мумкин. У турли манбалардан (*тезкор маълумотлар базалари, Интернет-ресурслар, молиявий транзакциялар*) маълумотлар йиғиш ва таҳлил қилишни ўз ичига олади, бу эса гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга хизмат қилади. АРТ ва СИТни қўллашнинг яна бир истиқболли йўналиши – *блокчейн* технологиясидан фойдаланишдир, бу эса ашёвий далиллар, молиявий операциялар ва бошқа муҳим жиҳатларидаги маълумотларнинг шаффофлиги ва ўзгармаслигини таъминлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар қуйидагича баён этилади.

I. Илмий-назарий хулосалар

1. Тарихий ёндашув нуқтаи назаридан гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини шартли равишда тўрт босқичга ажратиш мумкин: 1-босқич – Қадимги даврлардан XX аср бошигача (гиёҳванд воситалардан истеъмол қилиш бошланган ва XX аср бошига келиб уларнинг хавфли хусусиятлари аниқланган); 2-босқич – XX аср боши – XX аср ўрталари (жиноий жавобгарлик асосларининг криминализация қилиниши ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати механизмларининг шаклланиши); 3-босқич – XX аср иккинчи ярми (процессуал тартиб, тергов методикаси ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш такомиллаштирилади); 4-босқич – XX аср охири – XXI аср боши (гиёҳвандлик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига

қарши курашиш соҳасида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг ҳуқуқий механизмини такомиллашуви).

2. Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратини прокуратура органлари фаолиятининг қуйидаги йўналишларини қамраб оладиган мураккаб, тармоқлараро механизм ҳисобланади: терговга қадар текширувни амалга оширувчи, суриштирув, дастлабки тергов органлари устидан назорат; қонунларнинг ижросини таъминлашни текшириш, уларнинг бузилиши ҳолатларига нисбатан прокурорлик таъсир чораларини кўриш.

